УДК: 340.6:616-053.2-036.88

Ғиёсов Зайнитдин Асамутдинович – т.ф.д., профессор
Бахриев Иброхим Исомадинович – т.ф.н., доцент
Тошкент давлат тиббиёт университети (Тошкент, Ўзбекистон)
Махсумхонов Қулфиддинхон Аъзамхонович – т.ф.д., профессор
Тошкент Кимё Халқаро университети (Тошкент, Ўзбекистон)
Шодиев Ғофур Баротович – т.ф.н.
Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази (Тошкент, Ўзбекистон)
Тошкент вилояти филиали (Тошкент, Ўзбекистон)

ГЎДАКЛАР ЎЛИМИ ҲОЛАТЛАРИДА СУД-ТИББИЙ ЭКСПЕРТИЗА МАЪЛУМОТЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Аннотация. *Мақолада Тошкент вилоятида 2022–2024 йилларда гўдаклар ўлими ҳолатлари юзасидан ўтказилган суд-тиббий экспертизалар материаллари таҳлил қилинган. Ўрганилган ҳолатларнинг 96,9%ини нозўраки ўлимлар ташкил этган бўлиб, уларнинг улуши ўғил болаларда нисбатан юқори эканлиги, ҳудудлар кесимида эса Чирчиқ, Ангрен ва Бекобод шаҳарларида кўпроқ қайд этилганлиги аниқланган. Ўлим ҳолатларининг 90,1%и ҳаётнинг биринчи олти ойлигига, 57,3%и эса неонатал даврга тўғри келган. Ҳолатларнинг 63,3%ида ўлим сутканинг 00:00-12:00 соатлари оралиғида, 84,3%ида тиббий муассасаларда, 15,0%ида эса уй шароитида қайд этилган. Ўлим сабаблари структурасида туғма пневмония, пневмопатия ва шифохонадан ташқари пневмония устунлик қилган. Эксперт хулосаларининг объективлиги, асосланганлиги ва ишончлилигини ошириш мақсадида гўдаклар ўлими ҳолатларида суд-тиббий экспертизани заруратга кўра патологоанатом мутахассислар билан ҳамкорликда ўтказиш тавсия этилган.*

Калит сўзлар: *гўдаклар ўлими, суд-тиббий экспертиза, ўлим сабаблари, суд-тиббий диагностика.*

Гиясов Зайнитдин Асамутдинович – д.м.н., профессор
Бахриев Ибрагим Исомадинович – к.м.н., доцент
Ташкентский государственный медицинский университет (Ташкент, Узбекистан)
Махсумхонов Кулфиддинхон Аъзамхонович – д.м.н., профессор
Ташкентский международный университет Кимё (Ташкент, Узбекистан)
Шадиев Гафур Баротович – к.м.н.
Ташкентский областной филиал Республиканского научно-практического центра судебно-медицинской экспертизы (Ташкент, Узбекистан)

АНАЛИЗ МАТЕРИАЛОВ СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКОЙ ЭКСПЕРТИЗЫ В СЛУЧАЯХ СМЕРТИ МЛАДЕНЦЕВ

Аннотация. *В статье приведен анализ материалов судебно-медицинских экспертиз, выполненных по фактам смерти детей грудного возраста в Ташкентской области в 2022-2024 гг. Установлено, что в 96,9% изученных случаев смерть носила ненасильственный характер, при этом её доля была несколько выше среди мальчиков, а в территориальном разрезе наибольшее количество случаев зарегистрировано в городах Чирчик, Ангрен и Бекабад. В 90,1% случаев смерть наступала в течение первых шести месяцев жизни, из них 57,3% приходилось на неонатальный период. В 63,3% случаев смерть была зарегистрирована в первой половине суток (00:00-12:00), в 84,3% – в медицинских учреждениях и в 15,0% – в домашних условиях. В структуре причин смерти преобладали врождённая пневмония, пневмопатии и внебольничная пневмония. С целью повышения объективности, обоснованности и достоверности экспертных заключений при проведении судебно-медицинских экспертиз по случаям смерти детей грудного возраста рекомендуется, при наличии соответствующих оснований, привлекать специалистов-патологоанатомов к комплексной оценке результатов исследования.*

Ключевые слова: *смерть детей грудного возраста, судебно-медицинская экспертиза, причины смерти, судебно-медицинская диагностика.*

Giyasov Zaynitdin Asamutdinovich – DSc, professor
Bahriev Ibragim Isomadinovich – Ph.D., associate professor
Tashkent State Medical University (Tashkent, Uzbekistan)
Makhsumkhonov Kulfiddinkhon Azamkhonovich – DSc, professor
Tashkent Kimyo International University (Tashkent, Uzbekistan)
Shadiev Gafur Barotovich – Ph.D.
Tashkent Regional Branch of the Republican Scientific and Practical Center for Forensic Medical Examination (Tashkent, Uzbekistan)

ANALYSIS OF THE MATERIALS OF THE FORENSIC MEDICAL EXAMINATION IN CASES OF INFANT DEATHS

Abstract. *This article presents an analysis of forensic medical examination records concerning infant deaths in the Tashkent Region during 2022–2024. It was established that 96.9% of the analyzed cases involved non-violent deaths, with a slightly higher proportion observed among male infants. Geographically, the highest number of cases was recorded in the cities of Chirchiq, Angren, and Bekabad. In 90.1% of cases, death occurred within the first six months of life, with 57.3% of deaths occurring during the neonatal period. In 63.3% of cases, death was recorded during the first half of the day (00:00-12:00), while 84.3% of deaths occurred in medical institutions and 15.0% at home. The leading causes of death were congenital pneumonia, pneumopathies, and community-acquired pneumonia. To improve the objectivity, scientific justification, and reliability of expert conclusions in forensic medical examinations of infant deaths, the involvement of forensic pathologists in the comprehensive assessment of examination findings is recommended when clinically and/or forensically indicated.*

Keywords: *infant death, forensic medical examination, causes of death, forensic medical diagnosis.*

Долзарблиги. Гўдаклар ўлими тиббий-демографик кўрсаткич сифатида аҳоли саломатлиги ҳолатини баҳолашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг сабабларини аниқлаш нафақат клиник, балки суд-тиббий нуқтаи назардан ҳам долзарб ҳисобланади [1, 2, 8, 10]. Айниқса, ташқи таъсирлар, инфекцион касалликлар, туғма нуқсонлар, асфиксия, овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари ҳамда тўсатдан юзага келган ўлим ҳолатларида ўлим механизмини ва танатогенезни аниқлаш эксперт учун муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Гўдаклар организмининг анатомик-физиологик хусусиятлари, морфологик ўзгаришларнинг носпецификлиги ва патологик жараёнларнинг тез ривожланиши айрим ҳолатларда ўлимнинг аниқ сабабини морфологик текширув асосида белгилашни мураккаблаштиради. Шу сабабли суд-тиббий экспертиза жараёнида мурда ташқи кўриниши, ички аъзоларнинг морфологик ҳолати, гистологик текширув натижалари, лаборатор-токсикологик таҳлиллар ҳамда клиник-анамнестик маълумотларни комплекс баҳолаш муҳим аҳамият касб этади [3, 4, 7, 11].

Айниқса, гўдакларнинг тўсатдан ўлими синдроми (ГТЎС) ҳолатларида морфологик белгиларнинг специфик эмаслиги ушбу ташхисни истисно қилиш принципи асосида белгилашни талаб қилади. Бундай ҳолатларда суд-тиббий экспертиза нафақат ўлим сабабини аниқлаш, балки зўравонлик билан етказилган зарарларни, тасодифий жароҳатларни ва бошқа патологик ҳолатларни истисно қилишга қаратилган бўлиши лозим [5, 6, 9].

Шу нуқтаи назардан, гўдаклар ўлими ҳолатларининг суд-тиббий экспертиза маълумотларини тизимли таҳлил қилиш ўлим сабаблари структурасини аниқлаш, эксперт диагностикасида учрайдиган муаммоларни белгилаш ҳамда суд-тиббий амалиётни такомиллаштириш учун муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг мақсади суд-тиббий экспертиза материаллари асосида гўдаклар ўлими ҳолатларининг эпидемиологик, клиник-морфологик ва ташкилий хусусиятларини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқот материаллари ва усуллари. Тадқиқот объекти сифатида Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Тошкент вилояти филиалида 2022-2024 йиллар давомида бир ёшгача бўлган болалар ўлими юзасидан ўтказилган мурда суд-тиббий экспертиза материаллари хизмат қилди. Ушбу даврда вилоят бўйича гўдаклар ўлими ҳолатлари муносабати билан жами 934 та суд-тиббий экспертиза ўтказилган бўлиб, бу кўрсаткич мазкур йилларда бажарилган барча мурда экспертизаларининг 11,1%ини ташкил этди. Таҳлил қилинган йиллар кесимида гўдаклар ўлимига доир экспертизалар улуши 10,7%дан 11,5%гача бўлди.


Ўрганилган ҳолатларнинг аксарияти (96,9%) нозўраки ўлимлар ҳиссасига тўғри келган. Зўраки ўлимлар эса 29 та ҳолатни (3,1%) ташкил этиб, улар асосан механик жароҳатлар, жумладан калла-мия шикастланишлари ҳамда механик асфиксиянинг турли кўринишлари билан боғлиқ бўлди. Йиллар бўйича таҳлил гўдаклар ўлими тоифаларининг нисбий улушларида сезиларли фарқ кузатилмаганлигини кўрсатди.

Барча ҳолатларда экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорлар, воқеа ҳолатлари ҳақидаги маълумотлар, тақдим этилган тиббий ҳужжатлар (амбулатор карта, касаллик тарихи, рентгенологик текширув натижалари), мурда суд-тиббий текшируви баённомалари, қўшимча лаборатор ва инструментал тадқиқотлар натижалари ҳамда мутахассислар консультациялари комплекс тарзда ўрганилди.

Гўдаклар ўлими ҳолатлари боланинг ёши ва жинси, ўлим содир бўлган вақт (йил фасли, ой, сутка вақти) ва жойи, ўлим сабаби, яшаш ҳудуди, онанинг ёши, ҳомиладорлик ва туғруқ тартиби, шунингдек, чақалоқнинг туғилишдаги тана вазни ва бўйи каби мезонлар бўйича таҳлил қилинди.


Маълумотларни тизимлаштириш мақсадида ҳар бир эксперт кузатуви учун махсус рўйхатга олиш картаси тўлдирилди. Барча кўрсаткичлар рақамли кодлаш усулида шакллантирилиб, махсус ишлаб чиқилган компьютер дастури ёрдамида статистик қайта ишланди.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси. Вилоятнинг 17 та маъмурий-ҳудудий бирлиги кесимида гўдаклар ўлими ҳолатлари бўйича ўтказилган суд-тиббий экспертизалар таҳлили уларнинг ҳудудлар бўйича нотекис тақсимланганлигини кўрсатди. Экспертизаларнинг энг юқори улуши Чирчиқ (12,8%), Ангрен (11,0%) ва Бекобод (8,0%) шаҳарларига тўғри келди. Ушбу учта ҳудуд ҳиссасига жами гўдаклар ўлими ҳолатларининг қарийб учдан бир қисми тўғри келиб, мазкур ҳудудларда кўрсаткичларнинг нисбатан юқори эканлигини кўрсатди (1-расм).




Расм 1. **Кузатувларнинг маъмурий ҳудудлар бўйича тақсимланиши**

Умуман олганда, ўрганилган ҳолатларнинг 53,7%ида ўғил болалар ўлими қайд этилди. Тадқиқот даври динамикаси таҳлили ўғил болалар ўлими улушининг йиллар кесимида нисбатан камайиб борганини, қиз болалар ўлими улушида эса, аксинча, ўсиш тенденцияси кузатилганини кўрсатди (2-расм).



Расм 2. **Йиллар давомида кузатувларнинг гендер нисбати**

Кузатувларнинг аксариятида (90,1%) ўлим ҳаётнинг биринчи олти ойлигида қайд этилди. Таҳлил натижаларига кўра, неонатал даврдаги ўлим ҳолатлари 57,3%ни ташкил этган бўлиб, уларнинг қарийб учдан икки қисми ҳаётнинг дастлабки ҳафтасида содир бўлган (3-расм).




Расм 3. **Гўдаклар ёшига доир маълумотлар**

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, гўдакларнинг зўраки ўлим ҳолатлари асосан (93,1%) постнеонатал даврга тўғри келди. Хусусан, ҳаётнинг иккинчи олти ойлигида зўраки ўлим ҳолатларининг улуши 15,2%ни ташкил этган.

Ўрганилган ҳолатларнинг 84,3%ида гўдаклар ўлими даволаш-профилактика муассасаларида, 15,0%ида эса уй шароитида қайд этилди. Қолган 7 та ҳолатда ўлим тиббий муассаса ёки уйдан ташқарида содир бўлган бўлиб, ушбу ҳолатларнинг барчаси зўравонлик билан боғлиқ ҳодисалар жойида қайд этилган.

Гўдакларнинг ёши билан ўлим содир бўлган жой ўртасида яққол боғлиқлик аниқланди. Жумладан, илк неонатал даврда вафот этган 322 нафар гўдакнинг атиги 4 нафарида (1,2%) ўлим уй шароитида қайд этилган, қолган ҳолатларда ўлим тиббий муассасаларда содир бўлган. 7-12 ойлик гўдаклар орасида эса ўлим ҳолатларининг 32,6%и уй шароитида, 4,3%и эса бахтсиз ҳодиса содир бўлган жойда қайд этилган (4-расм).




Расм 4. **Ўлим жойи гўдакларнинг ёши кесимида**

Суд-тиббий экспертиза маълумотларининг таҳлилига кўра, гўдаклар ўлими ҳолатларининг қарийб учдан икки қисми сутканинг биринчи ярмида, яъни 00:00-12:00 соатлар оралиғида қайд этилган. Тадқиқот йиллари ва гўдакларнинг ёш гуруҳлари кесимида мазкур кўрсаткич бўйича сезиларли тафовутлар аниқланмади.

Таҳлил натижаларидан маълум бўлишича, гўдаклар ўлими ҳолатларининг 31,8%ида суд-тиббий экспертиза материалларида онанинг ёши тўғрисида маълумотлар мавжуд эмас. Онанинг ёшига оид маълумотлар мавжуд бўлган ҳолатларда эса 20-25 ва 30-40 ёшли аёллар улуши нисбатан юқори бўлган (5-расм).

Онанинг ёши бўйича гўдаклар ўлими даврлар кесимида таҳлил қилинганда, 17-19 ёшли

оналарда ўлим ҳолатларининг 84,6%и илк неонатал, 15,4%и эса кеч неонатал даврга тўғри келган. Бошқа ёш гуруҳларида илк неонатал даврдаги ўлим улуши 45,0-55,2%, кеч неонатал даврдаги ўлим улуши эса 24,1-33,5% оралиғида бўлди. Шу билан бирга, постнеонатал даврдаги ўлим ҳолатларининг улуши 20-25 ёшли оналар гуруҳида бошқа ёш гуруҳларига нисбатан юқорироқ эканлиги аниқланди.



Расм 5. **Оналарнинг ёши бўйича маълумотлар**

Мурда суд-тиббий экспертизасининг асосий вазифаларидан бири ўлим сабабини аниқлашдан иборат. Гўдаклар ўлими ҳолатларида ўлим сабабларининг структураси ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, ўрганилган кузатувларнинг ярмидан ортиғида ўлим туғма пневмония ва пневмопатия билан боғлиқ ҳолатлар натижасида юзага келган.

Пневмопатиялар таркибида шишиш-геморрагик синдром (46,6%) ва гиалин мембраналар синдроми (20,0%) нисбатан кўп учради. Туғма ривожланиш нуқсонлари орасида эса юрак нуқсонлари (65,2%) ва ошқозон-ичак тракти нуқсонлари (13,0%) устунлик қилди. Таъкидлаш жоизки, туғма ривожланиш нуқсонлари билан боғлиқ ўлим ҳолатлари асосан муддатидан олдин туғилган гўдакларда кузатилди.

Механик асфиксия натижасидаги ўлимнинг 2 та ҳолати кўкрак қафаси ва қорин бўшлиғи аъзоларининг сиқилиши билан, қолган ҳолатлар эса нафас йўлларининг беркилиши билан боғлиқ бўлди. Механик жароҳатлар оқибатида юзага келган ўлим ҳолатларида шикастланишлар 10 ҳолатда баландликдан йиқилиш, 4 ҳолатда эса автотранспорт травмаси натижасида етказилган.


Бундан ташқари, 2 нафар гўдак термик куйиш оқибатида, 1 тадан ҳолатда эса заҳарланиш ва ташқи қон кетиш натижасида вафот этган. Шундай қилиб, ўрганилган зўравон ўлим ҳолатларининг барчаси бахтсиз ҳодисалар оқибатида юзага келган бўлиб, қасддан етказилган шикастланишлар билан боғлиқ ўлим ҳолатлари аниқланмади (1-жадвал).

Жадвал 1.

Гўдакларнинг ўлим сабаблари

Т/р	Суд тиббий ташхис	Жами	%
1	Туғма пневмония	277	29,7%
2	Пневмопатия	248	26,6%
3	Туғма нуқсонлар	38	4,1%
4	ГТЎС	71	7,6%
5	Пневмония	242	25,9%
6	Бошка касалликлар	29	3,1%
7	Механик асфиксия	11	1,5%
8	Механик жароҳатлари	14	1,5%
9	Зўраки ўлимнинг бошқа турлари	4	0,4%
	Жами	934	100,0%

Турли ёш гуруҳларидаги гўдаклар ўлими сабабларининг структурасида сезиларли тафовутлар аниқланди. Хусусан, неонатал даврдаги ўлим ҳолатларининг 46,2%и туғма пневмония, 45,4%и эса пневмопатия билан боғлиқ бўлган, бошқа сабабларнинг улуши эса нисбатан кам миқдорни ташкил этди. Гўдакларнинг ёши ортиши билан ўлим сабаблари таркибида ўзгариш кузатилиб, хусусан, орттирилган пневмония ҳамда гўдакларнинг тўсатдан ўлими синдроми билан боғлиқ ўлим ҳолатларининг улуши сезиларли даражада юқори бўлди (6-расм).



Расм 6. **Гўдакларнинг ўлим сабаблари ёш гуруҳлари кесимида**

Таҳлил натижаларига кўра, барча кузатувларда амалдаги меъёрий талаблар ва стандартларга мувофиқ расмийлаштирилган тиббий ҳужжатлар тўлиқ ўрганилди. Мурданинг макроскопик текшируви ўтказилиб, экспертиза жараёнида олинган биологик материаллар суд-гистологик ҳамда заруратга кўра бошқа лаборатория усуллари ёрдамида тўлиқ ҳажмда текширилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, гўдаклар ўлими муаммосининг юқори ижтимоий-тиббий аҳамияти ва мазкур масалага алоҳида эътибор қаратилиши муносабати билан кейинчалик ўрганилган ҳолатларнинг муайян қисмида кўрсатилган тиббий ёрдамнинг сифати, тўлиқлиги ва ўз вақтидалигини баҳолаш мақсадида комиссион суд-тиббий экспертизалар тайинланган.

Гўдаклар ўлими сабаблари структураси ва ушбу ҳолатларни экспертлик нуқтаи назаридан баҳолашнинг мураккаблигини инобатга олган ҳолда, суд-тиббий экспертизалар сифатини янада такомиллаштириш, эксперт хулосаларининг илмий асосланганлиги ва ишончлилигини ошириш мақсадида, экспертизани тайинлаган орган ёки мансабдор шахснинг розилиги асосида патологоанатом мутахассисларни иккинчи эксперт сифатида жалб этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Бундай ёндашув клиник-анамнестик маълумотлар, морфологик ўзгаришлар ва суд-тиббий тадқиқот натижаларини комплекс баҳолаш имконини бериб, ўлим сабабини аниқлаш ҳамда тиббий ёрдамнинг сифати ва ўз вақтидалигига экспертлик баҳо беришнинг объективлигини оширишга хизмат қилиши мумкин.

Хулоса. Гўдакларнинг ўлими ҳолларида ўтказилган суд-тиббий экспертиза материалларининг таҳлили натижалари бўйича қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

1. Тошкент вилоятида 2022-2024 йилларда ўтказилган гўдаклар ўлими бўйича суд-тиббий экспертизаларнинг мутлақ кўпчилигини (96,9%) нозўраки ўлим ҳолатлари ташкил этди. Ўлим ҳолатларининг ҳудудий тақсимланиши нотекис бўлиб, уларнинг энг юқори улуши Чирчиқ, Ангрен ва Бекобод шаҳарларида қайд этилган; жинс бўйича эса ўғил болаларда (53,7%) бироз юқори кўрсаткич кузатилди.

2. Гўдаклар ўлими асосан ҳаётнинг дастлабки олти ойлигига тўғри келган (90,1%), неонатал ўлим ҳолатлари эса 57,3%ни ташкил этди. Неонатал ўлимларнинг қарийб учдан икки қисми ҳаётнинг дастлабки ҳафтасида содир бўлган. Шунингдек, ўлим ҳолатларининг қарийб учдан икки қисми сутканинг биринчи ярмида (00:00-12:00) қайд этилган бўлиб, бу кўрсаткич ёш ва тадқиқот йиллари кесимида сезиларли ўзгармади.

3. Гўдакларнинг ўлими содир бўлган жой билан уларнинг ёши ўртасида яққол боғлиқлик аниқланди. Ўлим ҳолатларининг 84,3%и тиббий муассасаларда, 15,0%и уй шароитида қайд этилган. Неонатал даврда ўлимларнинг асосий қисми тиббий муассасаларда содир бўлган бўлса,

постнеонатал даврда, айниқса 7-12 ойлик гўдакларда, уй шароитидаги ўлимлар улуши сезиларли даражада ортган.

4. Гўдаклар ўлими сабабларининг структурасида ёшга хос клиник-морфологик хусусиятлар устунлик қилди. Ўлимларнинг учдан икки қисмидан ортиғи туғма пневмония, пневмопатия ва орттирилган (шифохонадан ташқари) пневмония билан боғлиқ бўлган. Неонатал даврда туғма пневмония (46,2%) ва пневмопатия (45,4%) етакчи ўринни эгаллаган бўлса, каттароқ ёш гуруҳларида орттирилган пневмония ҳамда тўсатдан гўдаклар ўлими синдроми улушининг ортиши кузатилди. Зўраки ўлим ҳолатларининг барчаси бахтсиз ҳодисалар оқибатида юзага келганлиги аниқланди.

АДАБИЁТЛАР

1. Альбицкий В.Ю., Баранов А.А. Смертность детского населения //Проблемы социальной гигиены, здравоохранения и истории медицины. – 2024. – Т. 32, № 2. – С. 147–154.

2. Гелигаева Ш.С. Младенческая смертность в Российской Федерации //Новая наука: от идеи к результату. – 2016. – № 12-4. – С. 51–53.

3. Джуваляков П.Г., Збруева Ю.В. Младенческая смертность в Астраханской области за период с 2016–2018 гг //Актуальные вопросы производства судебно-медицинской экспертизы новорожденных и детей: сборник научных статей научно-практической конференции / под общ. ред. Е.В. Любовцевой. – 2019. – С. 15–19.

4. Ковалева О.И., Барканов В.Б., Эделев Н.С. Региональные различия смертности детей и подростков от несчастных случаев //Вестник судебной медицины. – 2019. – Т. 8, № 4. – С. 17–22.

5. Кордовская Е.А. Сравнительный анализ младенческой смертности в Республике Крым за 2018–2021 гг. по данным ГБУЗ РК «Крымское республиканское бюро судебно-медицинской экспертизы» //Теоретические и практические аспекты современной медицины: материалы Всероссийской научно-практической конференции с международным участием, посвященной проведению Международного года фундаментальных наук в интересах устойчивого развития. – Симферополь, 2022. – С. 226–228.

6. Московский С.Н., Емельянова Е.К., Листкова Д.В. Синдром внезапной детской смерти: проблемы диагностики, алгоритм исследования //Судебно-медицинская экспертиза. – 2025. – Т. 68, № 2. – С. 5–8.

7. Попов В.Л., Соколова О.В. Об интерпретации причины смерти новорожденного младенца, наступившей в необычных условиях //Судебно-медицинская экспертиза. – 2022. – Т. 65, № 2. – С. 46–50.

8. Фаизова Л.Р., Морозова С.Н. Статистический анализ младенческой смертности как показателя качества жизни населения //Финансовая экономика. – 2024. – № 2. – С. 168–172.

9. Giovannini E, Santelli S, Pelletti G, Bonasoni MP, Cornacchia A, Pelotti S, Fais P. Pediatric motor vehicle crashes injuries: a systematic review for forensic evaluation //Int J Legal Med. – 2024. – Vol. 138, № 4. – P. 1329–1341. – DOI: 10.1007/s00414-024-03174-7. – PMID: 38337078.

10. Goldstein RD, Blair PS, Sens MA, Shapiro-Mendoza CK, Krous HF, Rognum TO, Moon RY; 3rd International Congress on Sudden Infant and Child Death. Inconsistent classification of unexplained sudden deaths in infants and children hinders surveillance, prevention and research: recommendations from The 3rd International Congress on Sudden Infant and Child Death //Forensic Sci Med Pathol. – 2019. – Vol. 15, № 4. – P. 622–628. – DOI: 10.1007/s12024-019-00156-9. – PMID: 31502215.

11. Kennedy JM, Lazoritz S, Palusci VJ. Risk factors for child maltreatment fatalities in a national pediatric inpatient database //Hosp Pediatr. – 2020. – Vol. 10, № 3. – P. 230–237. – DOI: 10.1542/hpeds.2019-0229. – PMID: 32054640.